



Жадид шеъриятида Шайтон тимсоли анъанаси

Azimova Ziyoda Ergashevna
Artikova Muhayyo Botiraliyevna
Qodirov Valijon Abdurahmanovich
Хасанов Шаробидин Азамович
Муқаддас Тожибоева
Абдурахимовна

Andijon davlat pedagogika instituti
o'qituvchilari

Аннотация: Жадид шеъриятида Шайтон тимсоли моҳиятан мумтоз хусусиятларни сақлаб қолган бўлса-да, мумтоз тимсолнинг айнан такрори эмас. XX аср шеъриятида Шайтон замон талаблари асосида ўзгарган, ичдан янгиланган, унинг янгича маъно қатламлар очилган. Натижада анъанавий тимсол жадид шеъриятида ижтимоий мазмунни ифодалашга сафарбар этилган.

Мақолада жадид шеъриятида мумтоз тимсоллар анъанаси ва унинг янгиланганлиги масаласи таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: Шарқ мумтоз поэтикаси, жадид шеърияти, анъанавий тимсол, шайтон тимсоли, Чўлпон шеърияти, Фитратнинг шеърий драмаси.

Традиция изображения Сатаны в джадидской поэзии

Абстрактный: Хотя образ Сатаны в джадидской поэзии в целом сохраняет классические черты, он не является точным повторением классического образа. В поэзии XX века Сатана изменился в соответствии с требованиями времени, обновился изнутри, и открылись новые пласты его смысла. В результате традиционные образы были мобилизованы для выражения социального содержания в поэзии джадидов.

В статье анализируется традиция классической образности в джадидской поэзии и ее обновление.

Ключевые слова: Классическая восточная поэтика, джадидская поэзия, традиционный образ, образ дьявола, поэзия Чулпана, поэтическая драма Фитрата.

The tradition of the image of Satan in Jadid poetry

Abstract: Although the image of Satan in Jadid poetry has essentially retained its classical features, it is not an exact repetition of the classical image. In the poetry of the 20th century, Satan has changed based on the demands of the time, has been

internally renewed, and new layers of its meaning have been revealed. As a result, the traditional image has been mobilized to express social content in Jadid poetry.

The article analyzes the issue of the tradition of classical images in Jadid poetry and its renewal.

Keywords: Eastern classical poetics, Jadid poetry, traditional image, image of Satan, Chulpon poetry, Fitrat's poetic drama.

Инсон бадиий тафаккури ҳамиша янгилашиб, ўзгариб боради. Ҳар қандай қонуният вақт ўтиши билан ўзининг шакл, мазмун ёки рамзлар моҳиятидаги эврилишлари билан ўқувчи диққатини тортиб келган. Шарқ мумтоз поэти-каси ўзининг тамал тошини аруз тизими ёрдамида X асрдаёқ қўйган эди. Бироқ ўша даврдаги насихатомуз, панднома руҳидаги мисралар XV асрга келиб соф бадиий-эстетик жозиба касб этди. Бобур даври адабий муҳитида бу жараён бироз ҳиссий эврилишларни намоён этиш ҳолатига кирган бўлса, миллий уйғониш даврида янги адабий қиёфада гавдаланди. Неча асрлик анъаналар бирданига ўзгариб қолмайди, албатта. Бунинг бошида бирор ҳодиса туради. Биз биламизки, барча даврлар учун хос бўлган бадиий ғоя асар яратилган давр сиёсий-ижтимоий аҳволи билан боғлиқдир.

Шунингдек, жаҳид шеърлятида анъанавий поэтик тимсоллар: «ошиқ», «маъшуқа», «рақиб», «дўст» янгича талқинлар, биринчидан, шоир этиқоди, истеъдоди табиати ва унинг янгиликка интилиш нияти билан боғлиқ ҳолда, иккинчидан эса, ижтимоий ҳаёт талаблари ва мавжуд зиддиятларни енгишга ҳаракат тарзида юзага чиқди.

Жаҳид шоирлари ижодидаги яна бир тимсол бу инсон ботинида доимий ғалаён қилиб турувчи исённинг шайтон воситасида шеър замирига сингдирилганлигида кўринади. Маълумки, исён ҳаддан ошиб чегарадан ташқарига чиқса, у шайтоний сифат касб этиши мумкин. Хусусан, Чўлпоннинг “Тан бердим” деб номланган шеърида номи такрорланмаса ҳам шайтон тимсолига урғу берилади. Бу шайтон инсон ички дунёсида мудраб ётган, доим ҳам бош кўтаравермай ахён-ахёнда муайян туртки туфайли қайта бош кўтариб, исён қилади. У умиддан, шукурдан ҳоли, ўз-ўзича эркин, ҳеч нарсадан қоникмайди. Шунинг учун ҳам унда исёнга мойиллик доимийлик касб этади:

Томирингда исёнчи қон, тўхтамасдан югуриб,
Сени доим бир талваса қучоғида сақлайдир;
Алангали тили билан “келгуси”ни ҳақлайдир.
Сен ҳам букун, юзларингни келгусига ўгуриб,
Уни мақтаб, алқайсен.
Ўтканларга ёмон “гина” сақлайсен...

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан “Шайтон инсоннинг қон томирларида юради, деган ҳадис бор. Шу маънода одам ўзидаги шайтоний сифатларни билма-гунича шайтон қиёфасини била олмаслиги мумкин. Бу каби сифатлар Юсуф Хос Ҳожиб, Хожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Адиб Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий каби мумтоз шоирлар ижодида талқин этилган. Айниқса, Ҳазрат Навоий биргина “Маҳбубу-л-қулуб” асарида йигирмадан ортиқ шайтоний сифатларни

келтириб, инсон кўнглида уларга ўрин бери-лиши инсонни махлуққа яқинлаштириб қўйишини таъкидлагани бежиз эмас.

XX асрга келиб аксарият жадид шоирлари, жумладан, Абдурауф Фитрат, Тавалло, Сўфизода ижодида Шайтон янгича талқинда бадий тимсол сифатида қайта ишланади. Хусусан, Фитратнинг “Шайтоннинг Тангрига исё-ни” асари (1924)да у ақл ва хийланинг рамзи сифатида талқин қилинар экан, унинг ўзи хусусида айтган “Раҳбарим – фан, пайғамбарим – билимдир...” деган сўзлари янгиланган поэтик моҳиятни англатишда ёрдам беради. Бунда шоир:

Раҳбарим – фан, пайғамбарим – билимдир...

Муовини миям билан тилимдир.

Топингумдир ёлғизгина ўзимга,

Ишонгумдир икки очик кўзимга.

Ёлғиз ўзим қутулдим деб юрмайман,

Бошқалардан хабар олмай турмайман.

деб ёзар экан, Шайтоннинг Тангрига исёни шундаки, у фақатгина топинишдан қочмайди, балки у амалиётга, фан ва билимга, мияси ва тилига шунчалар ишонадики, натижада фақат кўрганларига ишониш орқали “Топингум-дир ёлғизгина Ўзимга” деган хулосага келади. Табиийки, бу ҳолат мумтоз адабиётда ишланган ўзи топинмай қўйган ва Унга топингувчиларни ҳам йўлдан урадиган Иблис эмас, балки фақат ўзигагина топиниб, ўзини ўзи учун Тангри деб белгилаган Шайтон (худбин) тимсолидир. Поэтик тимсолнинг XX аср бошларига келиб, бу қадар кескин тарзда талқин қилиниши шоир яшаб турган ижтимоий шароит ва асар яратилган муҳит билан боғлиқдир.

Қуръони каримнинг Аъроф сурасида шундай ёзилган: “Аниқки, Биз сизларни яратдик, сўнг сизларга сурат бердик, сўнгра фаришталарга: “Одамларга сажда қилинглар” дейишимиз билан улар сажда қилдилар. Магар иблис сажда қилгувчилардан бўлмади. (Аллоҳ) деди: “Сенга буюрган пайтимда нима мени сажда қилишдан тўсди?” (11-12 оятлар). “Мен ундан (Одамдан) яхшироқман. Мени оловдан яратгансан. Уни эса лойдан яратдинг” деди у. (Аллоҳ) деди: “У ҳолда ундан (жаннатдан) тушгин. Сен учун унда кибру ҳаво қилиб юриш жоиз эмас. Бас, чиқ! Албатта сен хор бўлгувчилардандирсан” (13-оят) [1. 101.]. Кўринадики, Қуръони каримда тилга олинган воқеа замонлар ўтиши билан мумтоз адабиётда муайян мақсадни ифода қилишда қўлланилган, жадид адабиётига келиб давр талаби билан улар ижтимоийлик касб этган.

Чўлпоннинг “Хаёли” (1920) деб номланган шеърида келажак ҳақида “бахт ва саодат”ни ваъда қилган Шахс эсга олинади. Бу ёлғон ваъда ва пуч ўйлар шоир наздида “шайтоний хаёллар”дан ўзга нарса эмас:

...Қулоғимга” “ол бахт” деб эшитилган

Азонларни шайтоний деб ўйладим;

Шунинг учун бахт берган малакка

Турли-туман афсоналар сўзладим...[2.49]

Мумтоз шеъриятда анъанавий тимсол сифатида танилган Шайтон XX аср бошларидан шайтоний сифатларнинг йиғиндиси тарзида идрок этилади. Жадид шоирлари ижодидаги Шайтони лайн, унинг хатти-ҳаракатлари, инсониятга етказган зарарлари билан бирга кўпроқ Ҳақ йўлдан оздирувчи, шахвоний

ниятларнинг ижросига ундовчи, қабих ишларнинг амалга ошишига кўмаклашувчи куч сифатида тавсифланиб, бевосита махлуқ эмас, балки салбий хусусиятлар йиғиндиси бўлган мажоз сифатида талқин этилади. Ана шу маънода Чўлпоннинг “шайтон”и хаёлий, ўткинчи шарпадай таассурот қолдиради. Шеърнинг кейинги мисраларида босинқираган шоирнинг тушида кўрқинч каби гавдаланган Шайтон қаршисида лирик қаҳрамон қўлида синган қилич, тешилган қалқон, устига бало тоғи йиқилган ва ётган ҳолда кўринади:

Кет, эй шайтон, босирқадим... кўрқаман;
Кет-кет. Қилич синган, қалқон тешилган.
Кўрасанми? Мен эзилган, ётаман,
Устимга-да бало тоғи йиқилган.

Шеър сўнгида охирги дамда қаҳрамон яна малакка мурожаат қилиб, ундан бир бор қарашни сўрайди:

Сўнги нафас, охирги дам, эй малак,
Кел, бир қара, сўнгра йиқилсун фалак.

Ёрнинг нигоҳи шоирга сўнги дамда Шайтон етказган заҳматларга қарши бир тиргак сифатида куч беради. Юқорида айтилган Фитрат шеърини драмасидаги Шайтон билан Чўлпон шеърларидаги шайтоний тимсоллар ўртасида яқинлик бор. Бу яқинлик ҳар икки шоирнинг шайтоний хулқларга, шайтоний ваъдаларга бўлган муносабатида ҳам кўзга ташланади. Фарқ шундаки, Фитрат талқинидаги шайтон муайян маънода илм ва фанга таянган, бироқ илоҳий қарашларга қарши чиқиб, инсониятни ўзига тобелантирмоқчи бўлган куч сифатида кўринган эди. Чўлпон шеърларидаги шайтон тимсоли кўпроқ номарғуб сифатлар, шайтоний ўй ва хаёлларнинг ижросиси сифатида кўзга ташланади. Ҳатто шеър сўнгида унинг қулоғига эшитилаётган азон товушлари ҳам шайтоний сифат касб этади. Чунки ёлғон ваъдалар гирдобидида қолган шоирнинг ўйида ҳаёт эмас, бамисли гўзал афсона гавдалангандай.

Жадид шеъриятида мумтоз адабиётдаги юзлаб анъанавий тимсоллардан фақат айримларигина иштирок этган бўлса ҳам улар мумтоз тимсолларнинг айнан такрори бўлиб қолмай, балки замон талаблари асосида ўзгарганлигини, анъанавий тимсоллар эса моҳиятан мумтоз хусусиятларни сақлаб қолган бўлса-да, уларни ичдан янгилашга, янгича маъно қатламларини очишга бўлган ҳаракатларни кузатдик. Натижада анъанавий тимсолларнинг аксарияти жадид шеъриятида ижтимоий мазмунни ифодалашга сафарбар этилганини қайд этиш мумкин.

Демак, “жамиятдаги инсонлар тафаккурининг ўзгариши билан поэтик тимсолларда ҳам янгиланиш содир бўлади” [3.72]. XIX асрнинг сўнгида яшаб ижод этган шоирлар ижодида поэтик тимсоллар соф дунёвий, ижтимоий, миллий ва рамзий асосга қурила бошлади. Шу билан бир қаторда мумтоз анъанавий шеърият таъсирида ўзлашган тимсоллар таркибида, уларни қўлланилиш доирасида ўзгариш, янгиланишлар юз бердики, жадид шоирлари ижодининг қатидаги ботиний мазмунни англаш ва уларни янгитдан таҳлилга тортиш адабиётшунослик илмининг доимий вазифаларидандир.

Adabiyotlar ro'yhati

1. YO‘LDOSHEV, Q. O. Z. O. Q. B. O. Y., et al. "Adabiyot." *Toshkent-2019*.
2. Qodirov, Valijon. "Reflections on the formation of reflexive abilities in preschool education." *Science and innovation* 2.B11 (2023): 150-153.
3. Kadirov, Valijon, and Dildora Abdullajonova. "FICTION IS A FACTOR IN THE FORMATION OF NATIONAL EDUCATION AND SPIRITUALITY IN CHILDREN." *Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры* 2.3 (2022): 124-127.
4. Хасанов, Шаробидин Азамович. "ТЕХНОЛОГИЯ РАЗВИТИЯ АНАЛИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У УЧАЩИХСЯ В ПРОЦЕССЕ ЛИТЕРАТУРНОГО ОБУЧЕНИЯ." *INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS OF PHILOSOPHY, SOCIOLOGY, HISTORY AND POLITICAL SCIENCE*. 2018.
5. Ibraimov, X., Z. Azimova, and Z. Otaboeva. "Pedagogical peculiarities of studying group solidarity in the student community." *Science and innovation* 2.B12 (2023): 108-113.
6. Азимова, Зиёда Эргашевна. "Олий ўқув муассасаси маънавий-маърифий ишларининг педагогик назария ва амалиётда тутган ўрни." *Современное образование (Узбекистан)* 2 (2018): 26-35.
7. Artikova, M. "DEMAND FOR A COMPETENCY-BASED APPROACH TO THE ACTIVITIES OF TEACHERS IN MODERN CONDITIONS." (2021).
8. Artikova, Muhayo Botiraliyeva. "Experience In Developing Entrepreneurship Skills In Foreign Countries." *Scientific Bulletin of Namangan State University* 1.7 (2019): 250-255.
9. Artikova, Muhayyo Botiraliyeva. "PECULIARITIES OF METHODOICAL WORK IN PREPARING PRESCHOOL CHILDREN FOR SCHOOL." *Science and Education* 2.1 (2021): 297-300.
10. Artikova, M. B. "THE FACTORS OF BRINGING CHILDREN UP IN THE MOOD OF MATERIAL AND SPIRITUAL INTEGRATED LIFE IN THE FAMILY (AS AN EXAMPLE OF PRIMARY SCHOOL AGE)." *THEORETICAL & APPLIED SCIENCE Учредители: Теоретическая и прикладная наука* 6 (2018): 269-272.
11. Tojiboeva, Muqaddas, Nargiza Sattarova, and Nazokat Qanoatova. "Tradition In Abdulla Avloni's Poetry." *JournalNX* 7.11 (2021): 166-171.
12. Таджибаева, Мукаддас Абдурахимовна. "Традиционные образы в узбекской джадидской поэзии." *Проблемы востоковедения* 2 (56) (2012): 53-58.
13. Tojiboyeva, Ffd MUQADDAS, and Vositov Shavkatbek. "FOLLOW-UP, STABILITY, AND ARTISTIC DISCOVERY IN JADID LITERATURE." *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology* 17.6 (2020): 14576-14581.
14. Azimova, Ziyoda, Muhayyo Artikova, and Valijon Qodirov. "TA'LIMIY O 'YINLAR MTT VA OILA HAMKORLIGINI MUSTAHKAMLASH VOSITASI SIFATIDA." *Educational Yield Insights & Breakthroughs* 2.1 (2025): 87-93.
15. Azimova, Ziyoda, Muhayyo Artikova, and Valijon Qodirov. "EKOLOGIK ONG VA AXLOQNING IJTIMOIIY-EKOLOGIK MADANIYATNI

RIVOJLANTIRISHDAGI ROLI." *Educational Yield Insights & Breakthroughs* 2.1 (2025): 94-100.

16. Хасанов, Шаробидин, and Муқаддас Тожибоева. "ЖАДИДЧИЛИК ДАВРИ АДАБИЁТИДА МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ." *Educational Yield Insights & Breakthroughs* 2.1 (2025): 101-106.

17. Azimova, Ziyoda, Muhayyo Artikova, and Valijon Qodirov. "Pedagogik kadrlarni tayyorlashda sun'iy intellekt asosida interaktiv o'quv muhitini tashkil etish." *Educational Yield Insights & Breakthroughs* 2.1 (2025): 107-112.

18. Azimova, Ziyoda, Muhayyo Artikova, and Valijon Qodirov. "MTTDA BADIY ADABIYOT BILAN TANISHTIRISH VA BOLALAR NUTQINI O'QITIRISH YUZASIDAN MUHOHAZALAR." *Educational Yield Insights & Breakthroughs* 2.1 (2025): 113-117.